

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Йўлқурилиш” АЖ
Бошқарув раиси**

 **Р.Ерниязов**

2022 йил 26 декабрь

**“Йўлқурилиш” акциядорлик жамиятида
ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ 8**

2022 йил 26 декабрь

Тошкент шаҳри

Раислик қилди: “Йўлқурилиш” АЖ Бошқаруви раиси Р.Ерниязов

Қатнашдилар: “Йўлқурилиш” АЖ Бошқарув раиси
ўринбосарлари, бошқарма ва хизмат бошлиқлари
ҳамда мутахассислар

КУН ТАРТИБИ:

**Жамият ва унинг қўйи тизимларида Янги йил тадбирларини
ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказишга қаратилган
чора тадбирлар ҳақида**

(Ерниязов, Аулов, Ахатов, Ахмедова, Махмудов, Арзикулов, Жалалов, Ерниязов)

Йиғилиш раиси Р.Ерниязов томонидан кун тартибидаги масала юзасидан иштирокчиларни таништириб, кириб келаётган янги 2023 йил байрамини муносиб кутиб олиш, байрам кунларида “Йўлқурилиш” акциядорлик жамияти ва унинг қўйи тизимларида хавфсизликни таъминлаш мақсадида билдирилган фикр ва мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Республика махсус комиссиясининг вазирлик, идоралар, давлат улуши бўлган корхоналар ва бошқа ташкилотларига турли хил корпоратив байрам тадбирлари ташкил этиш тақиқланганлиги инобатга олинсин.

2. Кириб келаётган янги 2023 йил байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида – 2022 йилнинг 30 декабрдан 2023 йил 4 январь кунигача соат

09:00 дан 21:00 гача “Йўлқурилиш” акциядорлик жамиятининг маъмурий биносида бошқарма ва хизмат бошлиқларидан иборат навбатчилик ташкил этилсин.

3. “Йўлқурилиш” АЖ тизимида фаолият юритаётган барча ишчи ва ходимларга:

Жамият биноси ва унинг ҳудудида жамоат тартиби, ёнғин ва техника хавфсизлигини таъминлаш, компьютер ва бошқа электр ускуналарини уланган ҳолда қолдириб кетмаслик;

пиротехника буюмларидан фойдаланмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда жамият биносига кирмаслик, маъмурий бино ҳудудида шубҳали шахслар аниқланган тақдирда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бериш

жамоат жойларида юксак маънавий ахлоқий фазилатларга эга бўлиш, шу жумладан юриш-туриш ва муомала маданиятида ижобий ўрнатилган бўлиш;

яшаш жойларида табиий газ ва электр энергияларини ёқилган ҳолда қаровсиз қолдирмаслик ҳамда қўлбола усулдаги иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик талабларига қатъий риоя этилиши таъминласин.

4. Мазкур йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш Бошқарув раиси ўринбосарлари в.б. А.Аулов ва Ғ.Ахатовларга зиммасига юклатилсин.

Баённома юритди:



Ш.Арзикулова